Қурултойда келгуси беш йиллик давр учун Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюشمаси Республика кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари тақлиф этилган муқобил мунозара бўлиб ўтди ва фаолият қониқарли, деб баҳоланди. Шунингдек, кейинги масалалардан бири сифатида тармоқ касаба уюшма Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқланди.

Қурултойда келгуси беш йиллик давр учун Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюشمаси Республика кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари тақлиф этилган муқобил мунозара бўлиб ўтди ва фаолият қониқарли, деб баҳоланди. Шунингдек, кейинги масалалардан бири сифатида тармоқ касаба уюшма Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқланди.

Қурултойда келгуси беш йиллик давр учун Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюشمаси Республика кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари тақлиф этилган муқобил мунозара бўлиб ўтди ва фаолият қониқарли, деб баҳоланди. Шунингдек, кейинги масалалардан бири сифатида тармоқ касаба уюшма Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқланди.

Қурултойда келгуси беш йиллик давр учун Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюشمаси Республика кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари тақлиф этилган муқобил мунозара бўлиб ўтди ва фаолият қониқарли, деб баҳоланди. Шунингдек, кейинги масалалардан бири сифатида тармоқ касаба уюшма Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқланди.

Қурултойда келгуси беш йиллик давр учун Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюشمаси Республика кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари тақлиф этилган муқобил мунозара бўлиб ўтди ва фаолият қониқарли, деб баҳоланди. Шунингдек, кейинги масалалардан бири сифатида тармоқ касаба уюшма Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқланди.

Қурултойда келгуси беш йиллик давр учун Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюشمаси Республика кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари тақлиф этилган муқобил мунозара бўлиб ўтди ва фаолият қониқарли, деб баҳоланди. Шунингдек, кейинги масалалардан бири сифатида тармоқ касаба уюшма Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқланди.

Қурултойда келгуси беш йиллик давр учун Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюشمаси Республика кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари тақлиф этилган муқобил мунозара бўлиб ўтди ва фаолият қониқарли, деб баҳоланди. Шунингдек, кейинги масалалардан бири сифатида тармоқ касаба уюшма Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқланди.

Қурултойда келгуси беш йиллик давр учун Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюشمаси Республика кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари тақлиф этилган муқобил мунозара бўлиб ўтди ва фаолият қониқарли, деб баҳоланди. Шунингдек, кейинги масалалардан бири сифатида тармоқ касаба уюшма Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқланди.

Қурултойда келгуси беш йиллик давр учун Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюشمаси Республика кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари тақлиф этилган муқобил мунозара бўлиб ўтди ва фаолият қониқарли, деб баҳоланди. Шунингдек, кейинги масалалардан бири сифатида тармоқ касаба уюшма Уставига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқланди.

Қурултойда келгуси беш йиллик дав

“Сувчилар мактаби” фаолятини йўлга қўйишда Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети билан ҳамкорлик ўрнатилди

Сувчилар мактабининг аҳамияти чималарда кўричади?

(Боши 1-саҳифада)

Давлатимиз раҳбари бошчилигида 2023 йил 18 апрелда “Сув соҳасини ислоҳ қилиш” масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириғига асосан, “Агробанк” АТБ томонидан “Сувчилар мактаби” фаоляти йўлга қўйилганди. Бунда қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш маданиятини шакллантириш, “Сув – текин эмас” тамойили асосида замонавий сув тежовчи технологияларни жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликка эришиш бўйича билим ва кўникмалар бериш асосий мақсад этиб белгиланганди. Шундан сўнг ўқув курсларини амалга ошириш мақсадида Туркия, Хитой ва Испания давлатлари тажрибалари ўрганилди ҳамда маҳаллий фермерлар ўртасида сўровномалар ўтказилди. Хориж тажрибалари ҳамда маҳаллий фермерлар тақлифлари асосида ўқув дастурлари ва махсус ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилди.

“Сувчилар мактаби” фаолятини йўлга қўйишда Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети билан ҳамкорлик ўрнатилди. Хорижий мутахассислар ҳамда маҳаллий 50 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар, соҳа мутахассислари жалб қилинди. Ўқув курсининг иккинчи босқичида асосий эътибор сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш орқали аҳоли орасида шаклланган “Сув – текин” тушунчасидан воз кечиш, сувни тежовчи технологияларни жорий этишни кенгайтириш ва сувни тўғри бошқарган ҳолда ҳосилдорликни ошириш мақсадида чуқурлашган дастурлар ишлаб чиқишга қаратилди. Бунда назарий ва амалий ўқув жараёнларини сифатли ташкил қилиш мақсадида республикамизнинг 13 та ҳудудида ўқув хоналари, шунингдек, 13 та махсус жиҳозланган микроавтобуслар ташкил этилди. Лойиҳага 234 нафар (шундан 35 нафар хорижий) профессор-ўқитувчилар жалб қилинди. Хориж тажрибалари назарий билимлар бевосита амалиёт билан боғлиқ ҳолда ўргатилиши керак эканлигини кўрсатди. Бунинг учун республиканинг 13 та ҳудудидаги ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот

институтлари базасида 15-20 гектарлик илғор сув тежовчи технологиялар жорий қилинган тажриба майдонлари ташкил қилинди.

Ўтган йил давомида 13 мингга яқин фермер хўжаликлари раҳбар ходимлари ўқитилди. Натижада, ўқув курсида иштирок этган 4 мингга яқин фермер хўжаликлари сувни тежайдиган технологияларни ўз майдонларига жорий қилди.

Жорий йилда ўн мингдан ортиқ фермерларни ўқитиш кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунга қадар 8 мингдан ортиқ тингловчилар ўқитилди.

“Сувчилар мактаби” иккинчи босқичда 2030 йилгача ишлаб чиқилган концепциясига асосан, 60 минг нафардан ортиқ тингловчиларни ўқитиш мақсад қилиб олинган. Шу билан биргаликда, жорий йилда сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш бўйича 30 та методик қўлланмадан иборат тўплам чоп этилди.

Қўшни давлатлар билан сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, трансчегаравий сувлардан барқарор ва адолатли фойдаланиш ҳамда минтақавий ҳамжиҳатликни ривожлантириш борасида ҳам 2024-2025 йиллар мобайнида қатор амалий чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Сувчилар мактабида махсус ўқув курслари ташкил этилиб, уларда қўшни давлатлардан ҳам мутахассислар иштирок этди. Барча тингловчилар Ўзбекистондаги сув хўжалиги ва таълим тизими билан яқиндан танишди. Дарслар “Сувчилар мактаби”



ҳудудий бўлимларида ташкил этилган бўлиб, барча тингловчиларга назарий ва амалий билим бериш мақсадида замонавий жиҳозланган ўқув хоналари ва тажриба майдонларидан фойдаланилди.

Хорижий ғўза навларини етиштирувчилар учун ҳам ўқув курслари ташкил қилинди. Сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари, сув ресурслари танқислиги ва бозор талаблари ўсиб бораётган бир пайтда, анъанавий ғўза етиштириш услубларининг самарадорлигини ошириш ҳамда илмий ёндашув долзарб масалага



айланмоқда. Айнан шу шароитда хорижий ғўза навларини экиш ва илмий ёндашувга асосланган интенсив технологияларни кенг қўллаш зарурияти юзага чиқмоқда. Сувчилар мактаби ташаббуси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти биргаликда мавсумда хорижий ғўза навларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ва агроном мутахассислар учун махсус ўқув курслари ташкил этилди. Курсларда республика бўйлаб 15 нафар маҳаллий ҳамда 2 нафар хорижий мутахассис иштирок этди. Амалий машғулотлар республика бўйлаб Сувчилар мактаби тажриба майдонлари ҳамда хорижий ғўза навларини эккан хўжаликларда ташкил қилиниб, иштирокчиларга хорижий навларнинг ривожланиши, тупроқ ва иқлим шароитларига мослашув даражаси бўйича батафсил тавсиялар берилди. Ушбу ўқув курсларининг асосий мақсади, сув



ресурсларидан самарали фойдаланиш, иқлимга мос хорижий ғўза навларини ўстириш, ҳосилдорликни ошириш ва замонавий агротехнологияларни жорий этиш бўйича фермер ва агрокластерлар раҳбарлари салоҳиятини оширишдан иборат бўлди. Ўқув дастурида АҚШ, Туркия ва Хитой каби мамлакатларда муваффақиятли синовдан ўтган ва юқори ҳосилдорлик кўрсаткичларига эга хорижий ғўза навларининг агротехник хусусиятлари, ўстириш шароитлари, томчиликтаги сугориш технологияси билан уйғунлиги муҳокама қилинди.

Тажриба майдонлари ташкил қилиш. Тингловчиларга назарий билимларни бевоосита амалиёт билан боғлиқ ҳолда ўргатиш мақсадида республикамизнинг 13 та ҳудудидаги ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари базасида 2023-2024 йилларда 15-20 гектарлик жами 255 гектар тажриба майдонлари ташкил қилинди. Бунда майдонлар лазерли текисланди, замонавий сув тежовчи сугориш тизимлари жорий этилди, бошқариш тўлиқ автоматлаштирилди ва сўнгги турдаги метеостанциялар ўрнатилди. Натижада, қишлоқ хўжалиги эканларининг сув сарфи 44 фоизга, ишчи кучи 50 фоизга, харажатлар 21 фоизга камайгани ҳолда ҳосилдорлик 31 фоизга ошди.

Тажриба майдонларида тингловчиларга сув тежовчи технологияларни қўллаш ва ҳосилдорликни ошириш усуллари ўргатилди. Бундан ташқари, 2025-2026 йилларда 155 та туманда 7 минг гектарда пахта ва ғалла етиштиришга мослашган тажриба майдоналари жорий қилиш бошланди. Бунда ҳар бир туманда 30 гектар майдондан иборат, куёш панелидан фойдаланилган намунавий тажриба майдонлари ташкил этилади.

Ўз мухбиримиз

Ижро интизоми – ТАШКИЛОТ САМАРАДОРЛИГИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

(Боши 1-саҳифада)

Бугунги кунда фармонда белгиланган чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилаётгани, барча ташкилотлар, жумладан, таълим муассасалари фаолиятида ҳам ижро интизоми даражасини сезиларли оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда самарали бошқарув, маъсулиятли ижро ва ислохотлар натижадорлигини таъминлашга мустаҳкам замин яратмоқда.

Ижро интизоми самарали ишлаш учун фақатгина қатъий тартиб ва муддатларга риоя этиш билан чекланиб қолмайди. У ташкилотнинг умумий натижадорлигини баҳолаш, ходимларнинг шахсий ва жамоавий маъсулиятини ошириш ҳамда ресурслардан оқилона



жараёнини эмас, балки натижавийлик ва самарадорликни ҳам қамраб олиши лозим. Масалан, бир топириқнинг ўз вақтида бажарилиши КРИ бўлиши мумкин, бироқ унинг амалий фойдаси, аҳоли ҳаётига таъсири, иқтисодий самарадорлиги ҳам бошқа кўрсаткичлар орқали баҳоланиши зарур. Шундай ёндашувгина ташкилотнинг ҳақиқий самарадорлигини намоён этади.



фойдаланишни таъминлашга хизмат қилиши зарур. Шу жиҳатдан, ижро интизоми тизими КРИ (Key Performance Indicators – асосий самарадорлик кўрсаткичлари) билан камбарчас боғланиши ташкилот фаолиятида янги сифат босқичини таъминлайди. КРИ бу ташкилот фаолиятининг аниқ, ўлчаб бўладиган ва вақт жиҳатдан белгиланган мақсадлар асосида баҳоланадиган мезонлар мажмуаси бўлиб, у ижро интизомининг амалий натижасини рақамли ифодалаш имконини беради. Энделикда ташкилотлар нафақат топириқларни бажариш ҳолатини қайд этади, балки уларнинг сифат даражаси, ижтимоий ва иқтисодий самарасини ҳам ўлчайди. Шу йўсинда бажарилган ишлар “қорғоздаги ижро”дан реал натижа ва фойдага айланиши таъминланади.

Ижро интизоми ва КРИ тизими асосида самарадорликни баҳолашда яна бир муҳим жиҳат бу инновацион ёндашувлар ва рақамли технологияларни жорий этишидир. “Ijro.gov.uz” каби электрон платформалар ёрдамида топириқлар ижроси бўйича барча жараёнларни онлайн кузатиш, КРИ кўрсаткичларини автоматик тарзда янгилаш ва реал вақт режимида таҳлил қилиш имконияти яратилади. Бу эса инсон омили таъсирини камайтириб, маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тезкорлигини таъминлайди. Шу билан бирга КРИ кўрсаткичлари фақатгина ижро

Хулоса қилиб айтганда, ижро интизоми тизимини КРИ мезонлари билан уйғунлаштириш ташкилотлар фаолиятида юқори натижаларга эришишнинг кафолатли йўлидир. Бу тизим ҳар бир раҳбар ва ижрочининг маъсулиятини оширади, топириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди, ресурслардан самарали фойдаланишга имкон яратади. Энг асосийси, бундай тизим жамоатчилик олдида очиқлик ва ҳисобдорликни кучайтиради, бу эса давлат бошқарувида ишонч ва самарадорликни таъминловчи энг муҳим омиллардан биридир.

Келгусида КРИ ва ижро интизоми уйғунлиги асосида ташкилотлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг янада такомиллашуви кутилмоқда. Бу йўналишда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, очиқ маълумотлар базасини яратиш ва жамоатчилик мониторингини кучайтириш бўйича қўшимча механизмлар ишлаб чиқиши режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида, мамлакатимизда самарали бошқарув, маъсулиятли ижро ва натижадор ислохотлар жараёнини янги босқичга олиб чиқиш имконияти юзага келади.

Шоҳруҳ НУРУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат
юридик университети
Ташкилий-назорат ва
стратегик
режалаштириш
бошқармаси
Мониторинг ва ички
назорат бўлими ходими.

НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМИДА АНИҚЛАНГАН БАРЧА КАМЧИЛИКЛАР ЎЗ ВАҚТИДА БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Бугунги кунда Самарқанд вилояти ҳудудий Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан 2 925 та қурилиш объектида назорат ишлари олиб борилмоқда. Мазкур объектларда ўтган олти ой мобайнида ҳудудий инспекциялар томонидан жами 18 минг 214 маротаба мониторинг ўтказилди. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, ҳудудий инспекциялар томонидан аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши юзасидан бугунги кунда ўн мингдан зиёд ёзма кўрсатмалар берилди.

Мисол учун Ўргут тумани Камангарон кўчасида қурилатган савдо мажмуаси биносида қотлован нишаблиги қурилиш меъёрларига зид бажарилган бўлса, Пастдарғом тумани “Чортуғ” МФЙда қурилатган кўп қаватли бинога олиб келинган бетон плиталарнинг сифати белгиланган талабларга мос эмаслиги аниқланди. Жами 524 та ҳолатда

камчиликларга йўл қўйганлик учун 4 та масъул ташкилотнинг лицензия ва рухсат берувчи ҳужжатларини бекор қилиш бўйича тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритилди. Жами 524 та ҳолатда аниқланган сифатсиз қурилиш-монтаж ишлари буздирилди. Мисол учун Иштихон тумани “Қирқ йигит” МФЙда реконструкция қилинаётган



аниқланган сифатсиз қурилиш-монтаж ишлари буздирилди. Окдарё тумани “Бошдархон” МФЙ ҳудудида қурилатган мактаб биносининг хоналар ора деворлари белгиланган талабларга зид равишда, яъни, лой-тупроқ қоришма билан терилганлиги сабабли буздирилди.

Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан 544 та ҳолатда инспекция ваколати доирасида маъмурий жарималар расмийлаштирилди. Лойиҳалаштиришда мавжуд

тибниёт бирлашмаси биносида ойна кесакисини бетонлаш жараёнлари сифатсиз бажарилганлиги сабабли буздирилди. Аниқланган камчиликлар инспекция аралашуви билан тўлиқ бартараф этилди ҳамда ҳуқуқбузарларга шу каби камчиликларга қайта йўл қўймаслик бўйича тушунтиришлар берилди.

Ҳудудий инспекция томонидан 2650 та кўп квартиралы уйлардан 1393 тасининг техник ҳолати ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жа-



раёнларида 197 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларнинг барчасига бажарилиши шарт бўлган ёзма кўрсатмалар берилди. Мисол учун Самарқанд шаҳар “Қатта ариқ” МФЙ ҳудудида жойлашган кўп қаватли турар жой биносининг ички таянч ва тўсик конструкциясига шикаст етказган ҳолда, ноқонуний тарзда эшик очилганлиги аниқланди. Уни бартараф этиш бўйича фуқарога нисбатан 7,5 млн. сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилиб, ихтёрий равишда бартараф қилинди. Яна бир ҳолатда Самарқанд шаҳри Нарпай кўчасида жойлашган кўп қаватли турар жой биносининг туташ ҳудудидан ноқонуний равишда қурилма қурилганлиги аниқланди. Мазкур қондабузарлик ҳолатини бартараф этиш бўйича фуқарога нисбатан 7,5 млн. сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилиб, ихтёрий равишда бартараф қилинди.

Ҳудудий инспекция назоратчилари томонидан жорий йилда 57 та кўп квартиралы уйларнинг ертўзалари ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнларида 57 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларнинг барчасига бажарилиши шарт бўлган ёзма кўрсатмалар берилди. Мазкур қонунбузилиш ҳолатларининг 46 таси мулкдорлар

томонидан бартараф этилган бўлса, қолган 11 таси бўйича судларга даъво аризалари киритилган ва аниқланган камчиликлар инспекция аралашуви билан тўлиқ бартараф этилди.

Инспекциямиз томонидан вилоятда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш соҳаси устидан давлат назорати бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ер ости ичимлик суви иншоотларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш талабларига риоя



қилиниши юзасидан ўтказилган ўрганишларда 145 та камчилик аниқланди. Ичимлик ва оқова сув тармоқларида 103 та носозликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича сув таъминоти ташкилотларига 134 та мажбурий кўрсатмалар киритилди. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тизимларида жами 249 та ноқонуний ҳолатлар, жумладан, 240 та ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ноқонуний уланиш ва 9 та ҳолатда ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ўзгартириш ёки назорат тамгалари (пломба) га шикаст етказиш ҳолатлари аниқланди. Натижада, қондабузарлардан сув таъминоти ташкилотларига 11,6 млрд. сўмлик қўшимча тўловлар ҳисобланди. Аниқланган барча камчиликлар инспекция аралашуви билан тўлиқ бартараф этилди ва ҳуқуқбузарлар шу каби камчиликларга қайта йўл қўймаслик бўйича огоҳлантирилди.

Умар МИРЗАЕВ,
Самарқанд вилояти ҳудудий
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги соҳасида назорат
қилиш инспекцияси бошлиғи.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Бугун юртимиз ҳаётида рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислохотларнинг жарёни, тарих зарварақларини тўлдирмоқда. Ҳар бир дақиқа энг улуг, энг азиз байрам – мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллигини муносиб кутиб олишга чорламоқда. Ҳам раҳбар, ҳам шу юртнинг фарзанди сифатида айтишим жоизки, давлатимиз раҳбарининг ортга қайтмас, самарали ислохотчилик сиёсати нафақат мамлакатимизни миллий юксалиш босқичига олиб чиқди, балки, Марказий Осиёда ҳам янгича муносабатларнинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди.

Халқимизнинг азму шижоати ҳар жабҳада намоён



Бунинг яна бир қувонарли жиҳати, ҳар қандай тўсиқ ва ғовлардан, синов ва машаққатлардан ёруғ юз билан ўта оладиган, ўз олдига қўйган буюк мақсадларига етишга қодир бўлган меҳнаткаш, ҳамжиҳат халқимизнинг азму шижоатидан эканлигини аллақачон бутун дунёда тан олинаётганидир. Давлатимиз сиёсатида инсон манфаатлари устувор бўлиб келмоқда. Бу айниқса, аҳолининг муайян қатлами ўртасидаги камбағалликни қисқартириш бўйича алоҳида тизим яратилиб, бу борада босқичма-босқич амалий ва натижадор ишларда ҳам ўз ифодасини топомқда. Президентимиз раҳбарлигида юртимизда камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган изчил сиёсатнинг эпкинни асосан боғдорчиликка ихтисослашган, табиати сўлим, тоғли ҳудуд – Янгикўрғон туманида ҳам аллақачон уфура бошлаган.

Туманимизда ҳам бу борада алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Ундан янги

иш ўринлари яратиш, мутахассис кадрлар тайёрлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламига, айниқса, ишсиз ёшларга ер майдонлари ажратиш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш, аҳоли томорқаларидан экотуризмни ривожлантириш каби бир қатор чора-тадбирлар жой олган. Ҳаётий тажрибалар, таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, агар биз, масъулар тадбиркорлар билан манфаатли, яқиндан ҳамкорлик қилиб, уларни қўллаб-қувватласак, бандлик муаммосини сезиларли даражада ҳал этамиз. Туманимизда жорий йилнинг ярмида 1440 нафар оила камбағалликдан чиқарилди. “Ижтимоий ҳимоя реестри” орқали 17690 нафар муҳтож оила, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган туманимиз фуқаролари моддий ёрдам билан қамраб олинди. Тўғри, булар мақтанарли ҳолат эмас, хали олдимизда кўплаб вазифалар турибди.

Бугун туманимизда 1249 дан ортиқ тадбир-



корлар синфи шаклланган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, туманимиз аҳолисининг катта қисми қишлоқларда истиқомат қиади. Бу дегани, уларнинг асосий тирикчилик манбаи қишлоқ хўжалигидан, айниқса, боғдорчилик ва сабзавотчиликдандир. Кези келганда айтиш мумкин, ўтган йилда туманимизда фермер хўжаликлари сони 749 тага етди, аҳолига жорий йилда 588 гектар ер ажратиб берилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, туманимизда камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кўрилаётган чоралар натижасида ўтган ойлار давомида камбағаллик даражаси 4,4 фоизга тушган. Йил охиригача бу кўрсаткични янада камайтириш, туманимиз аҳолисининг фаровон турмуш кечириши учун барча имкониятларимизни ишга солиш, Янги Ўзбекистонимизнинг энг азиз, энг улуг байрамини барча жабҳаларда аризулик ютуқлар билан кутиб олиш ҳаракатидамиз.

қизлар билан баҳслашди. VI. 3 классда финалда иштирок этган матонатли қиз 58,77 сониялик натижа билан марра чизигига етиб келди ва беллашувни 4-ўринда якунлади.

Халқаро тоифадаги спорт устаси, сувда эшкак эшиш бўйича терма жамоа аъзоси Шаҳзода Мамадалиеванинг Олимпиада ўйинларидаги иштироки, матонатли нафақат бирлашганликлар, “Гулшан” маҳалла аҳли, балки, барча тумандошларимизнинг меҳрини, эътибори ва ҳурматини қозонди, гурур, ифтихор бағишлади. Ота-онаси кўзларида севинч ёшлари билан баҳсларни кузатишди, укаси Икромжон, синглиси Озодахонни айтмайсизми? Уларнинг “шундай опамиз бор”, дея мағрур юришганини сўз билан ифодалаш қийин.

Ўшанда паралимпиядачиларимиз эришган ютуқларга бутун дунё тан берди. Президентимиз уларни Оқсарой қароргоҳида ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлади. Улар орасида тумандошимиз Шаҳзода Мамадалиеванинг ҳам “Шуҳрат” медалига муносиб кўрилгани барчамиз учун катта шараф!

Шаҳзоданинг хонадониди бўлди. Пишиқчилик мавсумида хонадон бошлиғи Адҳамжон иш устида экан. У 50 сотих майдондаги тоқзорга қарайди. Томорқада 6 сотих иссиқхона ҳам бор, унда лимон ва мандарин етиштирилади. Шаҳзода бизга пешвоз чиқди. Сўхбат давомида унга бир саволни бердик:

– **Юртбошимизнинг қўлидан мукофот олднгиз, ўша лаҳзада юрагингиздан қандай ўй кечди?**

– Давлатимиз раҳбари мени оталарча яқин олиб, “Қизим, сени ҳали олдинда юксак марралар кутаяпти, умидингни йўқотма”, – дедилар. – Мен ҳамон ўша таскин, эзгу тилакдан руҳланиб яшаяпман. Аввало, ота-онам, мураббийларим Шавкат Ҳотамов, Дилшод Йўлдошев, маҳаллам, юртдошларим ишончини оқлашга, янги марралар сари дадил қадам ташлашга аҳд қилганман. Қўсимга тақилган унвон юксак масъулият дегани, келгусида кутиб турган нуфузли беллашувларда зафар кучишига чорлов дегани.

Дилбархон АСҚАОВА

Уй меҳмонхоналарида

Ҳаловат истаган жонларга роҳат

Одамзот шунақа яратилган экан-да, на иссиққа кўнади, на совуққа. Кишининг чилласида қаҳратоннинг захридан жунжиккан вужудлар саратонни, қуёшли кунларни соғиниб яшаганди. Шу дамларга етганда эса... энди жазирама ҳароратдан қайга қочишни билмай, ўзимизни соя-салқинга урамиз. Пули борлар Анталияга, денгиз бўйларидаги пляжларга отланганда имкони ҳаминқадарлар қайга борсин? Албатта, Попнинг Чодагига-ю Янгикўрғоннинг Нанайига, Косонсой бўйларига, дарёларимиз атрофидаги сўлим ғўшаларга ошиқишади-да.

Ички туризмни ривожлантириш, аҳолининг мароқли дам олишини намунали ташкил этишда барчага маълумки, Нанайнинг мусаффо табиати, тоғолди ҳудудларининг тоза ҳавоси, ям-яшил борлиқ юртдошларимиз меҳрини ва ихлосини қозонган. Кейинги йилларда бу ерда ички туризмни кенгайтириш, дам олувчилар учун шароитларни яхшилаш борасида жуда кўплаб ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

– Нанайда бешта маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритади, шулардан бири бизники, – дейди Сой бўйи маҳалласи раиси Зоҳиджон Абдуллажонов. – Оммавий дам олиш зоналаридан ташқари, аҳоли хонадонларида ҳам уй меҳмонхоналарини ташкил этиш кенг тус олган. Табиий шароит, иқлим бунга яхши имкон яратган. Маҳалламиз ҳудудиди аини пайтда ўндан ортиқ дам олиш зоналари билан бир қаторда ўз ўзини банд қилиш мақомида рўйхатдан ўтган етмишдан ортиқ уй меҳмонхоналари мавжуд.

Кейинги йилларда туристик базалардаги аттракционлар, бассейнлар иши, сифати яхшиланди. Дастур асосида саккиз



километр ички йўл асфальтланди. 830 миллион сўм сарфланган сув иншооти қуриб, битказилди. Шу билан Нанай қишлоғининг ярми тоза ичимлик суви билан таъминланди. “Долзарб 90 кунлик” бўйича ҳам ҳудудларда бекуп кўнгилочар тадбирлар, концертлар ташкил этилиб, ташриф буюрувчиларга тақдим этилмоқда. Жумладан, 33-мактабда ўтказилган ўзбек-қирғиз халқлари дўстлигига бағишланган фестиваль ҳам эсда қоларли бўлди.

Сой бўйи МФЙ раиси хонадонидан чиқиб, кўчаларни айланамиз. Янги асфальланган, тунги чироқлар билан ёритилган йўллар. Баргларига заррача чангғубор кўнмаган, худди эрта баҳордагидай ям-яшил яшнаб турган мевали, мевасиз дарахтларга қараб тўймайсиз. Салқин ва тоза ҳаводан чуқур-чуқур нафас олиб, танангизни яйратасиз. Қани энди бир неча ҳафтага, кунга еттулик ширин килородни ўпкангизга тўлдириб, шаҳардаги шовқин-суронли, жазирама ҳароратдан зўриқадиган жисмингизни нафлантира оласангиз?!

Ҳовли-жойларга кўз ташлаймиз. Барча дарвозалар ланг очик. Уйлар атрофи ва ичкариси ерга ва тувақларга экилган, барк учриб очилиб турган, биз номини биладиган ва билмайдиган ранго ранг гулларга тўла. Қўзларингиз гўзалликдан шодланиб кетади. “Нимага биздаги тувақда ўстириладиган гуллар бунчалик жозибали эмас”, деган савол келади.

– Бу ернинг суви, ҳавоси тоза, – дейди ёнимиздаги ҳамроҳимиз. Ва яна қўшиб қўйди: – Гулга ишқибозларнинг меҳри ундан ҳам тоза, покиза.

Дўстлик маҳалласи Зейкор кўчасидаги 34-уй эътиборимизни тортади. Ҳовлининг ташқариси, ичкарисини кўриб, ҳеч ким бу ерни қишлоқ жойи демайди. Ярақлаган йўлақлар, чиройли қурилган, пардозланган иморатлар, яна энг муҳими, остонадан



тортиб ҳовлининг тўригача, ҳар бир бурчакларигача, ҳатто кичкинагина экин майдонигача эгаллаган баланд-баланд, очилиб турган гуллар ҳаёлингизни олади.

Хонадон соҳибаси Саодатхон Абдулаева пенсияга чиққунга қадар “Пахтачи” сихатгоҳида ишлаган, тўрт қиз ва бир ўғилнинг онаси. Қизларини узатган, ўтган йили Ўмиджонини уйлантирди. Ўн олти йил аввал аёлнинг бошига тушган мусибат – қутилмаганда турмуш ўртоғининг вафот этиши уни аввалига гантипти қўйди. Ахир, эндигина бир қизни узатишганди. Қолганлари бирин-кетин тайёр бўлиб турибди. Боқиш, ўқитиш, тарбиялаш керак. Яратганининг ўзи қўлади. Фарзандлари ақли-хушли, меҳнатсевар бўлиб вояга етишди. Айниқса, Ўмиджоннинг 6-синфалигидан бошлаб онанинг, онасининг таянчи бўлгани Саодатхоннинг қаддини ростлади. Улғайгач, узлуқсиз етти йил давомида чет элда ишлаб, онасининг дардларига малҳам бўлгани ва бўлаётганининг ўзи таърифларга лойиқ. Худо берган табиий иқлим, ихчамгина уй-жой келажак учун режалар ишлаб чиқишга ундади. Ҳовли, эски ва янги иморатлар бошдан-оёқ таъмирдан чиқарилиб, кўз кўрса қувонадиган шинам ҳолга келтирилди. Бу билан пенсионер онага яхшигина эрмак ва юмуш топилди. Қолмишига у ободонлаштириш, гулзорлаштириш ишларини бошлаб юборди. Ахир, эшикдан кириб келган иккитагина меҳмоннинг юрагини “жи” этказадиган гўзал муомала, орасталик ва шароитни қойил қилиб қўйиш ҳам осон эмас.

Май ойидан сентябргача давом этадиган уй меҳмонхонаси фаолияти бошланганига ҳали кўп йил бўлмади. Шуниси эътиборга молиқки, Саодатхон тўрт хонадан иборат меҳмонларга мўлжалланган ҳовлисига фақат оналарни, хотин-қизларни ва кунлик йиғин ўтказадиган аёлларни жойлаштиради, холос. Бир кеча-кундузда жон бошига элик минг сўмдан. Деярли эскиртдан синашта бўлиб қолган мижозлари келишади. Улар учун миллий услубда жиҳозланган, айниқса, кекса онажонлар учун яратилган қулайликлар қўпчиликка маъқул бўлмоқда.



– Ўтган йилги мавсумда ойига 10-15 миллион сўмдан даромад қилгандик. Бу йил негадир 4-5 миллиондан ошмади. Ҳа энди баракасини берсин, дея меҳмонлар кўнглини олиш учун ҳаракат қилиб турибмиз, ҳали ёз туташига яна бир ой бор, – дейди Саодатхон Абдулаева қулимсираб.

– Мен оилам аъзолари билан шу мавсумда бу ерга иккинчи мартаба келишим, – дейди Наманган шаҳар Илғор маҳалласида истикомат қилувчи меҳнат фаҳрийси Розияхон опа Мўминова. – Уй эгасининг одамийлиги, дилкашлиги жуда ёқди. Аллоҳ насиб қилса, келгуси йилнинг иссиқ кунларини ҳам шу ерда ўтказамиз, деб ният қилиб турибмиз.

Рисликхон МАЖНУОВА, журналист.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс
таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир:
Чори
ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Шавкат ХАМРОЕВ,
Ақтам ХАИТОВ,
Эшмирза АБДУЛЛИМОВ,
Хабиб ТЕМИРОВ,
Раимқул СУЯРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табок. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Нашр индекси – 144. Буюртма Г-817. 1510 нусхада чоп этилди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Тахририят манзили: Тошкент вилояти Кибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоиси келишилган нархда.
Саҳифаловчи-дизайнер: М.ЮСУПОВ
Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.30